I. ЯЛПИ ҲУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2020 йил январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми 42 378,1 млрд. сўмни ва ўсиш суръати 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 102,4 фоизни ташкил қилди.

2020 йил январь-декабрь ойларида ЯҲМ дефлятор индекси 110,9 фоизни ташкил қилди.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯҲМ 10 831,7 минг сўмни ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 100,5 фоизни ташкил этди.

Вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби

млрд. сўм

	январь-декабрь ойларида		*Ўсиш суръати, % да*
	2019 йил	*2020 йил*	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	**37 305,9**	**42 378,1**	**102,4**
шу жумладан:			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	36 191,7	41 469,8	102,4
Маҳсулотларга соф солиқлар	1 114,2	908,3	102,5
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	**36 191,7**	**41 469,8**	**102,4**
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	**16 925,5**	**19 452,5**	**103,1**
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	**7 284,1**	**8 594,6**	**104,4**
Саноат	5 270,5	6 115,7	102,3
Қурилиш	2 013,6	2 478,9	109,9
Хизматлар	**11 982,1**	**13 422,7**	**100,3**
Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2 430,5	2 762,8	101,4
Ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	2 348,7	2 580,4	100,3
Бошқа хизматлар	7 202,9	8 079,5	100,0

2020 йилнинг январь-декабр ойларида ЯҲМнинг ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 102,4 фоизни ташкил қилишига ялпи қўшилган қиймат ҳиссасида саноат тармоғининг ўсиш суръати 102,3 фоизни, (ЯҲМ таркибидаги улуши 14,7 %), хизматлар 100,3 фоизни (32,4 %) шундан ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа 100,3 фоизни (6,2 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар 100,0 фоизни (19,5 %) ни ташкил этди.

2020 йилнинг январь-декабрида ЯҲМ нинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари



Иқтисодий фаолият турлари

Ҳудуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 97,9 фоизни, маҳсулотларга соф солиқлар эса 2,1 фоизни ташкил этди.

Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 0,1 бандга кўпайиб ҳисобот даврида 46,9 фоизни, саноат (қурилишни қўшган ҳолда) тармоғининг улуши 0,5 бандга кўпайиб 20,7 фоизни, хизматлар соҳасининг ЯҲМ таркибидаги улуши 0,6 бандга камайиб 32,4 фоизни ташкил қилди.

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби
(фоизда)

2019 йил январь-декабрь



2020 йил январь-декабрь



ЯҲМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 73,9 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келади ва бу кўрсаткич 2019 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан 0,1 бандга камайган.

ЯҲМда кичик бизнеснинг улуши

(январь-декабрь ойлари, жамига нисбатан %да)

2020 йилнинг январь-декабрь ойларида ЯҲМ нинг дефлятор индекси бўйича ўсиш суръатлари, % да



Иқтисодий фаолият турлари